



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 8 ноябрь, № 229 (8852)

Жума

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ШАХС КАМОЛОТИНИНГ УЧ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Президент Шавкат Мирзиёев мактабларда мусика, жисмоний тарбия ва ҳарбий ватанпарварлик фанлари сифатини ошириш бўйича тақдимот билан танишди.

Бу ҳақда 30 сентябрь куни Педагогик маҳорат миллий институтида ўқитувчилар билан бўлган мулоқотда айтилган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу уч йўналишнинг шахс камолотидаги ўрнига аҳамият қаратиб, уларни ўқитишни такомиллаштириш долзарблигини таъкидлаган эди.

Масалан, мактаблардаги мусика ўқитувчиларининг 21 фоизи ўрта махсус маълумотли. Баъзиларининг ўзи чолғу асбобларини чала олмайди. Сабаби мусика ўқитувчиларининг амалий малака ошириш тизими йўқ, бу борада санъат мактаблари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Маҳорат институтлари битирувчилари ўқитувчиликка қабул қилинмайди.

Шу боис мактабларда сабоқлар сифатини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар тақдир этилмоқда. Хусусан, мусика маданияти фани ўқитувчиларининг билим даражаси ва касбий маҳорати баҳолашиб, малака ошириш тизими йўлга қўйилади. Бу йўналиш бўйича ўқув қўлланмалари, ўқитувчиларга тоифа беришнинг янги тартиби ишлаб чиқилади.

“Турон мактаб театри”нинг ижобий таърибаси асосида мактабларда “Иқтидор” хаваскорлар бадиий жамоалари ташкил этилади. Олий таълим муассасаларининг мусика ва санъат йўналиши битирувчиларига мактабларда ишлашга рухсат берилади. Худудлардаги мусика ва санъат мактабларини умумтаълим мактабларига таянч мактаб сифатида би-

риктириш, иқтидорли ўқувчиларни кашф этиш мақсадида мунтазам кўрик-танловлар ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Ёшларни оммавий спортга кенг жалб қилиш ҳам муҳим. Мактабларда 22 та олимпия, 19 та ноолимпия, 4 та миллий спорт турлари ўргатилади. Лекин жисмоний тарбия ўқитувчилари учун услубий қўлланмалар йўқ. Ўқувчиларни селекция қилиш тизими йўқ.

Шунинг учун жисмоний тарбия фани бўйича ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилиб, ўқув дастурлари такомиллаштирилади. Ушбу фан ўқитувчиларининг билим даражаси ва касбий маҳоратини аниқлаш бўйича миллий баҳолаш тизими йўлга қўйилади.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич ҳамма жойда мактаб спорт клублари ташкил этилади. Бу йўналишда ҳам ўқитувчиларга тоифа беришнинг янги тартиби, мактабларнинг спорт бўйича рейтинг тизими ишлаб чиқилади.

Бугун замоннинг ўзи ҳар бир фуқародан ватанпарвар бўлишни тақозо этмоқда. Бунда, айниқса, ҳарбий хизматчилар, қаҳирқоча бошланғич тайёрларлик фани ўқитувчилари ўрнатилган керак.

Ҳозир мактабларда қарийб 10 минг нафар ана шундай педагог фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларнинг 27 фоизи номутахассис. 2 минг 750 та мактабда ушбу фан учун шароит етарли эмас.

Шу боис энди қаҳирқоча бошланғич тайёрларлик ўқитувчилари Мудофаа вазирлигига ўтади. Энди бу вазифага Куролли Кучлар захирасидаги ҳарбийлар ишга қабул қилинади.

Мазкур фан бўйича янги ўқув дастури ва дарсликлар яратилди. Ҳар бир туман ва шаҳарда биттадан мактаб негизда “Жасорат мактаби” фаолияти йўлга қўйилади.

Мутасаддилар бу борадаги ишларни ташкил этиш режалари юзасидан ахборот берди. Олий ўқув юртиларида мазкур йўналишлар бўйича педагоглар тайёрлашни тўдан ўзгартириш, малака талаблари ва таълим сифатини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### У.Б.ҚОСИМОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Улуғбек Бердиқолиевич Қосимов** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2024 йил 7 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ш.К.АБДУРАХМАНОВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Шухратбек Кушақбаевич Абдурахманов** Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2024 йил 7 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ш.Ш.АБДУРАЗАКОВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Шавкат Шокирджанович Абдуразаков** Наманган вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2024 йил 7 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### А.А.МАХМУДАЛИЕВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Акmalжон Азимжонович Махмудалиев** Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2024 йил 7 ноябрь

## СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЛОЙИҲАЛАР ДАСТУРИ ТАЙЁРЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилна фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугун дунёда экологик муаммолар, табиий офатлар кўпайиб бормоқда. Бизнинг минтақамизда сув танқислиги хавф солмоқда. Шу боис мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, бу неъматни асраш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Жумладан, 550 километр канал ва ариқлар бетонлангани эвазига 200 минг гектарда сув яхшиланди, йилига 450 миллион кубометр сув иқтисод бўляпти. Фермер ва класстерлар томонидан ҳам 13 минг километр ички тармоқ бетонланди.

Сув бошқаруви ислоҳ қилиниб, туманларда сувни ҳисобга олиш тизими шаклланди, фермерлар сувни ҳисоб-китоб қилишни ўрганди. Шаффоф тизим йўлга қўйилгани натижасида бу йил ерга 2 карра кўп сув борди, яна 6 миллиард кубометр сув ҳисоби жойига қўйилди.

Лекин ҳали долзарб масалалар кўп. Масалан, кластер ва фермерларга етказиб берилаётган ҳар бир кубометр сувга республика бўйича ўртача 212 сўм харажат қилинапти. Бухоро, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида бу 2-3 баробар қиммат.

Охириги йилларда 1 миллиард доллар ҳисобига Қарши, Аму-Бухоро, Аму-Занг каби йирик насос станциялари модернизация қилинди. Лекин ўрта ва майда насослар эскилиги сабабли сув танқисли охиб кетаяпти. Бетонлаш ҳисобига йўқотиш 10 — 15 фоизга камайган бўлса-да, 20 та туманда бу кўрсаткич юқори.

Шу каби муаммолардан келиб чиқиб, йиғилишда галдаги вазифалар белгиланди. Жойларда ҳали бетонлаш зарур бўлган 18 минг километр магистраль ва 94 минг километр ички каналлар бор. Шу боис келгуси йилда бу ишларга 800 миллиард сўм ажратилиши қайд этилди.

Ўтган йили техника, ишчи кучи ва қумшағалдан ёрдам бўлгани учун бетонлаш харажати 2 карра арзонлашган. Пудратчиларга тўғридан-тўғри шартнома асосида цемент етказиб бериш орқали таннархи яна 20 фоизга пасайтириш мумкинлиги айтилди.

Яна бир жиҳат — бетонланган каналларда сув оқими тезлашади. Бу — кичик ГЭСлар қуриб, электр олишга катта имконият. Навоий вилоятида 11 мегаваттлик 148 та шундай станция қуриш бошланган. Умуман, худудларда 2 мингта микроГЭС қуриб, йилига қўшимча 600 миллион киловатт электр олиш мумкин.

Мутасаддиларга бу борада хусусий шериклик шартларини ишлаб чиқиб, тадбиркорларга эълон қилиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги яхши тажрибаларни кўрсатиб ўтди. Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида сув бошқарувини “акли” тизимга ўтказиш бўйича 21 миллион долларлик лойиҳа яқунланган. Сув тақсимланадиган 2 мингта нуктага ҳисоблагич ва видеокамера ўрнатилган. Бунда автоматлашган бошқаруви натижасида 20 фоиз, суғориш тармоқларини таъмирлаш ҳисобига яна 10 фоиз сув тежа-

лади. Сув бошқаруви хусусий секторга берилиб, фермерлар билан кооперация тузилади. Илк бор сувга олдиндан тўлов бўлади. Вилоят ҳокимлари ушбу тизимни ўрганиб, сув таъминоти оғир туманларда жорий этиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда ерларни суғоришга 1 минг 600 дан зиёд насос станциялари ишлатилмоқда. Улар ўзига яраша электр энергияси талаб қилади. Шу боис 2025 йил — сув хўжалигида “Насослар самарадорлигини ошириш йили” бўлиши белгиланди.

Хусусий шерик билан тежамкор насос ва кўш панелли ўрнатиб, 20 фоиз электр тежаш мумкин. Масалан, хоразмлик деҳқонлар шундай қилапти. Шунингдек, кўш панелли ўрнатиб, эҳтиёжидан орган электрни давлатга сотиб, ойига қўшимча 7-8 миллион сўм даромад оляпти.

Мутасаддиларга ушбу тажрибани кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Республика бўйича 2 миллион гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилингани натижасида ўтган йилнинг ўзида 2 миллиард кубометр сув тежалган. Лекин айрим дала-ларда ўрнатилган ускуналар ишламаёпти.

Энди бу қатъий назоратга олинади. Келгуси йилда яна 500 минг гектарда сув тежовчи технологиялар ўрнатилди. Қорақалпоғистонда қўлланган лазерли текисланган ернинг ҳар гектарига 1 миллион сўмдан субсидия бериш тизими энди Хоразмда ҳам

бўлади. Бошқа худудларда ҳам лазерли текислаш кенгайтирилади.

Баҳор ва куздаги сел сувларини йиғиш — соҳадаги яна бир манба. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида шундай иншоотлар барпо қилиб, 50 минг гектарда сув таъминоти яхшилаш имкони бор. “Ўзбекгидро-энерго” компанияси бу борада икки йиллик режа олди.

Президентимиз сув хўжалиги соҳасида кескин ўзгариш қилишининг бирдан-бир йўли рақамлаштириш эканини таъкидлади. Насос станцияларига онлайн назорат ва “акли” сув қурималари олиб келинган. Лекин улардан олинмаган маълумотларни жамлаб, таҳлил қилишдаги ахборот тизими йўқ. Сув истеъмоли ва ҳисоб-китоби ўта мураккаб.

Шу боис вазирлик ҳузурда Сув хўжалигини рақамлаштириш маркази тузилиши белгиланди. Унда сув истеъмоли ва ҳисобини юритишнинг ягона ахборот тизими ишга туширилади.

Мутасаддиларга сув хўжалигида 2030 йилгача бўлган энг муҳим лойиҳалар дастурини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Ийғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва соҳа мутахассисларининг фикр ва тақлифлари эшитилди.

Ў.А.

## Туркий давлатлар ташкилоти:

### БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ, ХАВФСИЗЛИК ВА РАҚАМЛИ КЕЛАЖАК САРИ

6 ноябрь куни Бишкек шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон раҳбарлари ҳамда Венгрия Бош вазири иштирок этди. Мажлисда ТДТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди, ташкилотнинг жорий кун тартибидаги долзарб масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди, шунингдек, қатор ҳужжатлар, жумладан, якуний декларация имзоланди.

## Муносабат

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олис ва яқин хорижий мамлакатлар қатори туркий давлатлар билан муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Бинобарин, асризмизнинг бошларига келиб Ўзбекистоннинг туркий давлатлар билан муносабатлари бирмунча сусайгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон расмийлари туркий давлатларнинг юқори даражадаги учрашуварларида деярли иштирок этмай кўйганди. Аммо Президент Шавкат Мирзиёев ташкилоти сиёсатда прагматик ва очиқлик йўлидан борди. Ўзбекистон ўзи учун манфаатли бўлган халқаро ва минтақавий ташкилотларда-

ги фаоллигини оширди. 2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди. Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўша йилнинг 15 октябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг еттинчи саммитида мамлакатимиз илк бор тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этди. Ўзбекистоннинг ташкилотга қўшилишини барча аъзо мамлакатлар мамнуният билан қабул қилди. Расмийлар, экспертлар халқимизнинг туркийлар тарихидаги ўрни, бугунги салоҳияти ва аҳамиятини эътироф этди.

## ХАЛҚ ТАБОБАТИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш, турли хил, айниқса, сурункали касалликлар профилактикаси ва уларни даволашда сифат, хавфсизлик ҳамда самарадорлик жиҳатидан амалда синалган, ота-боболаримиз томонидан қўлланиб келинган усуллар, яъни халқ табobati муҳим ўрин тутди.

### Янги қонун

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш доира-

сида қўрилган чора-тадбирлар натижасида халқ табobati усуллари-дан фойдаланишнинг ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Ўзбекистон халқ табobati ассоциацияси таш-

кил этилиб, халқ табobatiнинг усуллари ва ютуқларини самарали ҳамда хавфсиз тарзда қўллаш учун биринчи навбатдаги шарт-шароитлар яратилди.



## ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ



Пойтахтимиздаги “САЕх” кўргазма мажмуасида Ўзбекистонда биринчи мартаба тўқимачилик саноатининг учта йирик — “Heimtextil”, “Techworld Tashkent”, “Apparel Sourcing Tashkent” халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Ушбу кўргазмаларда уй тўқимачилик ва интерьер матолари, замонавий кийимлар учун матолар, иплар ҳамда аксессуарларнинг кенг ассортименти ўрин олган.

### Кўргазма

Эътиборлиси, тадбир аутсорсинг ҳамда инновацион ишлаб чиқариш технологияларига эътибор қаратган ҳолда тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқарувчиларни бирлаштираётди.

Қарийб 4 минг кв.м.дан ортиқ кўргазма майдонида 250 дан зиёд иштирокчилар ўз стендларини тақдим қилапти.

Муҳими, мазкур намоиш тўқимачилик ва тикувчилик машинасозлиги соҳасидаги жаҳон ишлаб чиқарувчиларининг ютуқлари ва ишланмаларини кўриб чиқиш ва намоиш этиш платформасидир.

Кўргазма бугун яқунланади.

«Халқ сўзи».

Сирожддин ВОҲИДОВ олган суратлар.



Туркий давлатлар ташкилоти:

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ, ХАВФСИЗЛИК ВА РАҚАМЛИ КЕЛАЖАК САРИ



Иқтисодий манфаатлар муштараклиги

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, табиий ва тарихий жараёнлар ифодаси бўлди. Кейинроқ айнан Ўзбекистоннинг ташаббуси билан тузилма Туркий давлатлар ташкилоти номини олди. Ўзбекистон ташкилот доирасида энг кўп ва реал ташаббуслари илгари сураётган мамлакатга айланди. Чунки ТДТга аъзолик халқимизнинг туб манфаатларига тўла жавоб беради.

сифатида шаклланаётгани ҳақида турли эксперт доираларда кўп гапириляпти. У минтақаларо ва глобал аҳамиятга эга тинчлик ҳамда ҳамкорлик минбари ҳамдир. Ўзбекистон бу минбардан унумли фойдаланмоқда. Давлатимиз раҳбари турли минтақаларда давом этаётган қуроли можароларни тўхтатишга қачирши билан бирга, зиддиятлар ўчоғига айланган давлатлар аҳолисига гуманитар ёрдам кўрсатиш борасида ўз тақлифларини билдираётгани Ўзбекистоннинг тинчликсевар мамлакат сифатидаги нуфузини мустаҳкамляпти.

Давлатимиз раҳбари Бишкекда ўтган мажлисда ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларига самарали ечим топишга қаратилган қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Барчамиз гувоҳ бўляпмиз, бугунги кунда жаҳон миқёсида ишонч инқирози тобора авж олмақда. Глобал хавфсизликни таъминлашда янги муаммолар юзага келмоқда ва халқро ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш ҳолатлари кучаймоқда. Ана шундай шароитда ташкилотнинг кейинги пайтларда халқро майдонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдираётгани, умумий позицияга эга экани ҳам гоё аҳамиятга эришди. Айниқса, Яқин Шарқда узоқ вақтдан буён давом этаётган Фаластин — Исроил муаммосининг ниҳоятда хавfli тус олгани барчани жиддий хавотирга солмоқда. Қуроли тўқнашувда тинч аҳоли, айниқса, кексалар, аёллар ва болалар орасида қурбонлар, жароҳат олганлар соми кескин ортиб, низонинг кенг ёйилиб кетиш хавфи кучаймоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур кўп йиллик низонинг ягона ечимини — халқро меъёрий ҳужжатлар ва резолюцияларга мувофиқ, 1967 йилдаги чегаралар асосида, пойтахти Шарқий Қудудс бўлган мустақил Фаластин давлатини тўзиш эканини таъкидлади.

Ўзбекистон, шунингдек, салкам ярим асрдан бери уруш ва низолар туфайли азоб чекаётган афгон халқи тақдирига ҳам бефарқ эмас. Минг йиллар давомида тарихи ва тақдирини туркий элзатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўп миллатли Афғонистон заминидан тинчлик ва оқоийшалик ўрнатиш минтақамизда стратегик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартини эканини яхши биламиз. Бироқ дунёнинг бошқа нуқталарида низо ва урушлар авж олаётган ҳозирги шароитда ушбу муаммо халқро ҳамжамият эътиборидан тобора четда қолаётгандек.

Мамлакатимиз етакчиси ТДТ доирасида Афғонистон масаласида вазирлар ва экспертлар даражасидаги мунтазам

мулоқот механизмини йўлга қўйиш муҳимлигини қайд этди. Афғонистондаги ўткир муаммоларни ҳал этишда амалдаги ҳукуматга ёрдам кўрсатиш, бу давлатни минтақавий иқтисодий жараёнларга кенг жалб қилиш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини рўйбга чиқариш масалалари, албатта, кўриб чиқилиши лозимлигига ургу қаратди.

Зеро, Ўзбекистонга минтақавий шериклик ва барча қўшнилари билан иқтисодий ҳамкорлик жараёнларида фаол қатнашадиган, тинч ва барқарор Афғонистон керак. Расмий Тошкент илгари сураётган Трансафғон темир йўлини барпо этиш ташаббуси айнан мана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Муҳими, ташкилот ўз эътиборини иқтисодийёт, сармо ва инновация соҳасига қаратяпти. Янада эътиборлиси, ТДТ ҳеч кимга қарши қаратилган эмас. Шунинг учун ташкилотни сиёсийлаштирмаслик йўлидан боришга ҳаракат қилинмоқда. Давлатлар муҳокамаларни прагматик тарзда ва ўз манфаатларига йўналтирилган ҳолда олиб боришаётгани эътиборга молик.

Транспорт тизимини ривожлантириш — стратегик мақсадлардан бири

ТДТ иштирокчи давлатлари ўз олди-ларига чуқур иқтисодий ҳамкорлик ва



логистика тизимлари ва қўшма операторларни яратиш умумий манфаатларимизга тўла жавоб беради. Бу бизнес харажатларини камайтиради, халқро савдо ва транзит ташвиш хажмини оширади. Транспорт инфратузилмасининг такомиллашуви хориждан инвестицияларнинг сезиларли кириб келишига сабаб бўлади. Тариф ва нотариф тўсиқларини бартараф этиш, савдо-божхона тартиб-қоидаларини енгилаштириш, электрон тижорат платформаларини ривожлантириш бўйича аниқ битим ва келишувлар ташкилот доирасида янги иқтисодий имкониятлар маконини яратишда айна мударра. Шу муносабат билан савдо йўналишидаги салоҳиятни кенгайтиришга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун яқин истиқболда Тошкентда етакчи таҳлил марказларининг анжуманини ўтказиш тақлиф қилинди.

Президентимиз ахборот технологиялари соҳасида илгор тажриба ва ютуқларни алмашиш, инновациялар, инфратузилма ва илм-фаннинг рақамли тизимларини, йирик маълумотлар марказларини яратишга қаратилган Рақамли туркий дунё концепциясини ишлаб чиқиш ташаббусини билдирди.

ТДТ доирасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик йўналиши ҳам давлатларро муносабатларнинг ниҳоятда муҳим бўғини. Бунда Халқро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙнинг ўрни беқийс. 2023 йили ТУРКСОЙнинг 30 йиллик юбилейи тантаналари барча иштирокчи мамлакатларда кенг нишонланди. У билан ҳамкорликда мамлакатимизда қатор нуфузли халқро тадбирлар ўтказилди.

Ўтган давр мобайнида Остона, Туркистон, Эскишаҳар, Кастамону, Бурса, Қозон, Мари, Шеки, Ўш ва Хиванинг "Туркий дунёнинг маданият пойтахти" деб эълон қилингани ушбу қадимий ва гўзал шаҳарларимизнинг шон-шухратини янада оширди. Аъзо давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда туркий мамлакатлар маданияти ва санъати кунлари, ёшлар ва театр фестиваллари, ижодий форумлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ташкилот доирасидаги илмий-маърифий анжуманлар, туркий тиллар ва адабиётлари ривожига бағишланган халқро конференцияларда мамлакатимиз олим ва ижодкорлари фаол қатнашмоқда.

Умуман, бу ҳақда узоқ гапириш мумкин. Амалий ишлар кўлами беҳисоб. Асосийси, Туркий давлатлар ташкилоти қардош халқларнинг умумий фаровонлиги ва равнақи йўлида дадил қадамлар ташляпти. Мажлис давомида тарихий ҳужжат — Туркий дунё хартиясининг қабул қилиниши қардош давлатлар ва халқлар ўртасида кучайиб бораётган кўп қиррали ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир. Савдо, иқтисодийёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар алмашинув борасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилган тақлиф ва ташаббусларнинг ҳаётлий рўёби туркий халқларнинг муштарак мақсадларига хизмат қилишига ишончимиз комил.

Собитхон ТУРҒУНОВ, Наманган давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

“Кейинги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти тўлақонли халқро тузилма сифатида шаклланаётгани ҳақида турли эксперт доираларда кўп гапириляпти. У минтақаларо ва глобал аҳамиятга эга тинчлик ҳамда ҳамкорлик минбари ҳамдир. Ўзбекистон бу минбардан унумли фойдаланмоқда. Давлатимиз раҳбари турли минтақаларда давом этаётган қуроли можароларни тўхтатишга қачирши билан бирга, зиддиятлар ўчоғига айланган давлатлар аҳолисига гуманитар ёрдам кўрсатиш борасида ўз тақлифларини билдираётгани, умумий позицияга эга экани ҳам гоё аҳамиятга эришди. Айниқса, Яқин Шарқда узоқ вақтдан буён давом этаётган Фаластин — Исроил муаммосининг ниҳоятда хавfli тус олгани барчани жиддий хавотирга солмоқда. Қуроли тўқнашувда тинч аҳоли, айниқса, кексалар, аёллар ва болалар орасида қурбонлар, жароҳат олганлар соми кескин ортиб, низонинг кенг ёйилиб кетиш хавфи кучаймоқда.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ КОНЦЕПЦИЯСИ МУҲОКАМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилишлар давом этмоқда.

Куни кеча Қонунчилик палатасидаги сиёсий фракциялари ва қўмиталари, Ҳукумат томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам мазкур қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан муҳокама қилинди.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасида кўзда тутилган асосий йўналишлари жамият ривожланиши, айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг янада ошишига хизмат қилади. Қонун лойиҳаси концепцияси муҳокамасига бағишланган йиғилишлар давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚ ТАБОБАТИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Ўтган даврда халқ табобатининг касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича самарали усулларини замонавий тиббиёт амалиётига жадал интеграциялаш, фуқаролар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ушбу соҳада мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг илмий тадқиқот ишларини ўтказиш тизимини йўлга қўйиш борасида муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам қўрсатишининг кўшимча усули сифатида эътироф этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ табобати усулларини қўллаган ҳолда тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабларни, шунингдек, хизмат қўрсатиш ҳажми ва тартибини белгиловчи ваколатли орган этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Республика халқ табобати илмий-амалий маркази ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларида ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумида Халқ табобатини ривожлантириш марказлари ташкил этилди.

Юртимизда ушбу соҳада яратилган шароит ва кенг имкониятларга қарамай аҳолининг соддадил, ишонувчан эканидан, қонунчилигимизда халқ табобати соҳасидаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан фуқароларга тиббий ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини қўрсатганлик учун жавобгарлик чоралари назарда тутилмаган. Оқибатда даромад орттиришни мақсад қилган сохта табиблар пайдо бўла бошлади. Бундай ҳолларда аҳолимиз сохта табибларнинг қурбонига айланиши,

лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Президентимиз томонидан куни кеча имзоланган мазкур қонун билан фуқароларга тиббий ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини халқ табобати соҳасидаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан қўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Хизматларни халқ табобати йўналишида рўхсат этилмаган усулларни қўллаган ҳолда моддий қимматликлар олиш ёки мулклий манфаатдор бўлиш эвазига қўрсатганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик назарда тутилди.

Шу билан бирга, бундай хизматларни омма олдига тарғиб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилиб, халқ табобати йўналишида рўхсат этилмаган усулларни қўллаган ҳолда фуқароларга тиббий ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини реклама қилиш қонун билан тақиқланди.

Мазкур ҳужжатнинг амалиётга таъбиқ этилиши Ўзбекистонда халқ табобатини касалликлар профилактикаси, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт билан мувофиқ ҳолда қўллаш орқали юқори самардорликка эришишга хизмат қилади.

Жуманазар ОТАЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Тинчлик ҳамда ҳамкорлик минбари

Кейинги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти тўлақонли халқро тузилма

БИРИНЧИ «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистоннинг ТДТга тўлақонли аъзо бўлиб кириши ушбу тузилма ривожини янги босқичга олиб чиқди, десак, янглишмаймиз. Зеро, 2019 йилдан бошлаб, Президентимизнинг кўплаб тақлифлари мазкур ташкилот томонидан алоҳида инobatга олиниб, амалиётга жорий қилинди. Хусусан, 2022 йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд шаҳридаги саммити кўп экспертлар томонидан эътирофга сазовор бўлди.

Айнан шу йили дунёда геосиёсий кескинлик ниҳоятда тарангланган, давлатлар ўртасида ўзаро ишонч дарз кетган пайтда туркий оила бўлиб вужудга келаётган умумий муаммоларга нисбатан биргаликда ечимлар топиб ҳаракат қилиш жуда муҳим эди. Шу боис Самарқанд саммити якунлари бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Туркий давлатлар ташкилоти стратегиясининг қабул қилиниши муҳим воқеа бўлди. Ушбу ҳужжат туркий мамлакатларнинг “Туркий

нигоҳ — 2040” концепциясини амалга ошириш бўйича биринчи “Йўл харитаси”дир.

Қайд этиш жоизки, ТДТ билан ҳамкорлик Ўзбекистон манфаатларига тўла жавоб беради. Ташкилот фаолиятининг илк йилларида, асосан, маданият ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликка эътибор берилган бўлса, бугунги кунда ўзаро шериклик кўплаб йўналишларни қамраб олмақда. Айниқса, транспорт-логистика, рақамлаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий



ҳамкорлик, хавфсизлик масалаларига алоҳида аҳамият қаратилляпти.

Кейинги йилларда ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги экспорт-импорт алоқалари ҳажми йилга 45 миллиард доллардан ошмоқда. Жумладан, Транскаспий халқро коридорининг аҳамияти бугун хар доим-гидан ҳам муҳим аҳамият касб этапти. Барча аъзо давлатларининг ушбу транспорт йўлаги ор-

қали ташқи савдо юкларини ташвиш ҳажмини ошириш, нафақат ТДТ давлатларининг ўзаро товар айланмасининг кўпайишига, балки Европа ва жаҳон бозорларига чиқиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг ТДТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида билдирган тақлиф ва ташаббуслари туркий дунё тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги мазмун билан тўлдириб, бутун туркий дунё равнақини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида транспорт коридорларидан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, Ўрта коридор бўйлаб транзит тарифларини мақбуллаштириш, чегаралардан ўтиш жараёнларини соддалаштириш, замонавий логистика тизимлари ва қўшма операторларни яратиш умумий

манфаатларимизга тўла жавоб беришини қайд этди.

Бу борада ташкилот доирасидаги ташуварларда электрон ҳужжатлар айланмасига ўтиш ва уларни ўзаро тан олиш бўйича кўп томонлама битимни имзолашга қачирди. Бундай долзарб масалаларни бизнес вакиллари иштирокида атрофлича муҳокама қилиш мақсадида Туркий давлатлар логистика марказлари ва юк ташувчилари альянси билан ҳамкорликда Халқро логистика конференциясини ўтказиш тақлиф этилди.

Ушбу саммит ва унинг якунида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар ҳамда қарорлар туркий халқлар фаровонлиги ва тараққиёти йўлида кўп томонлама муносабатларни янги мазмун билан бойитади.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ДРАЙВЕРИ

Табиат инсонга барча махлуқотлардан фарқли ўлароқ мукамал ақл берган. Илмий адабиётларда инсонга "Homo Sapiens" — "ақлли махлуқот", деб таъриф берилган. Жалолиддин Румийнинг "Маснавий ва маънавий" асарида ақллар ўртасидаги тафовутлар ёрқин очилган.

— Ақл борки, — дейди Жалолиддин Румий, — уни бамисоли қўёшга ўхшатиш мумкин. У бутун оламни нурга тўлдиради, ақл борки, милтираб ёнаётган шамга ўхшайди, унинг шўъласи сал нарига ўтмайди. Тасаввур қилиб кўринг, миллиард-миллиард шам бир жойда, бир

вақтда ёнгани билан қўёш бўла оладими? Йўқ, албатта.

Инсон қанчалик ақлли бўлса, шунча кўп илм ўргана олади. Ҳазрат Алидан ақл афзалми, илм афзалми, деб сўралганда, ақл, чунки илм ўрганиш учун ақл керак, деб жавоб берганлар. Илм яратиш ҳаммининг ҳам қўлидан келмайди. Академик Евгений Велихов "Илм — бу ҳамма вақт шахс дегани" деб ўқирган. Шунинг учун алмаштириб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган олимлар йўқ, дейишдан сақланиш лозим. Инсоният тарихида ўзининг бой илмий-маърифий мероси ҳамда мислсиз кашфиётчилик фаолияти билан умумбашарий тараққиёт ва жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган юзлаб беназир тарихий сиймолар ўтган.

Тўғри, илмий мақолалар сонининг кўпайиши ўз-ўзидан иқтисодий ўсишга олиб келмайди. Иқтисодий самара берадиган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган технологияларни яратиш ва жорий этиш учун шароит бўлмаса, илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг фойдаси йўқ. Илмий натижа амалиётда қўллаш, иқтисодий самарага эришиш жараёнининг ҳар бир босқичига манфаатлари турлича бўлган инсонлар жавоб беради. Шунинг учун олимлардан янги илм яратиш, технология ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этишни талаб қилиш натижа бермайди. Илмий технологик самарадорликка эришишнинг калити кутилаётган натижадан манфаатдор иштирокчиларни ихтисослаштиришдан иборат бўлади. Бу илмий янгилик яратиш жараёнини барқарор тақрорланувчи циклга айлантиради.

## Таҳлил

### Илмий салоҳият қандай ўлчанади?

Инсоннинг ақлий салоҳияти у ўзлаштирган ёки яратган илмда намоён бўлади. Шунинг учун иқтисодий ривожланишнинг ҳал қилувчи омил илмий-техникавий инқилоб бўлган ҳозирги даврда илм ярати олиш салоҳияти ҳар бир миллат ёки мамлакатнинг халқро майдондаги ўрнини белгилаб беради.

Иқтисодий ривожланиш учун янги технологияларни жорий этиш керак экан, илғор мамлакатларда эълон қилинган илмий тадқиқот натижаларини ўзлаштириб олиш мумкин-ку, барча мамлакат илм-фан билан шуғулланишига зарурат борми, деган савол туғилади. Бу саволга Япония мисолида жавоб бериш мумкин.

Японияда технологик ривожланиш Корейс уруши (1950 — 1953 йиллар)дан кейин бошланган. 15 йил ўтиб Япония иқтисодиёти дунёда 2-ўринга чиққан ва уни 2009 йилгача сақлаб турган. 2010 йилда 2-ўринга Хитой чиқиб олган. "Япон иқтисодиёти мўъжизаси" маҳсулот ишлаб чиқаришга хоридан лицензиялар сотиб олиш, сифатли ва арзон ишлаб чиқаришни ташкил этишдан бошланган. Бироқ 60-йиллар охирига келиб Америка ва Европа мамлакатлари янги ишланмалар лицензияларини сотишни тўхтатиб, санат айқоччилигига қарши курашни кучайтирган. Ўзининг технологиясини янгилашга уриниш фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш ҳамда янги технологияларни яратиш жараёнида маслаҳат бера оладиган тадқиқотчилар сонини кўпайтириш зарурлигини кўрсатган.

Дунёда илмий ходимлар сони 1996 йилдан 2017 йилгача 2 марта ошган, 9 млн. киши илм яратиш билан бевосита шуғулланади, яна 6 млн. одам тадқиқотлар таъминотида жалб қилинган (аҳоли сонига нисбатан 0,18 фоиз).

Америка илм-фан тараққиёти ассоциациясининг маълумотларига кўра тадқиқот ва ишланмаларга глобал инвестициялар сўнги 20 йил ичида жадал ўсиб борган. Бу инвестициялар 1992 йилда 672 млрд. долларга тенг эди. 2021 йилда 2,2 трлн. долларга етган. 2020 йилда бошланган пандемия оқибатлари бу ўсишни секинлаштирган, 2020 ва 2021 йилларда ўсиш аввалги 10 йилдаги 3.6 фоиздан 2 фоизга тушган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар илмий тадқиқот ишларига инвестицияларни доимий равишда кўпайтиряпти. 2001 йилда уларнинг инвестициялари ЯИМнинг 2,71 фоизига етган ва бунинг 60 фоиздан ортиги хусусий бизнес сектори томонидан амалга оширилган.

АҚШнинг илмий тадқиқот ишлари интенсивлиги 20 йилдан ортиқ вақт давомида ЯИМнинг 2,5 фоизидан 3 фоизгача кўтарилган. Жанубий Корея ва Хитой ҳам сўнги 10 йил ичида сезиларли даражада ўсди. Жанубий Кореянинг бу йўналишдаги инвестициялари ЯИМнинг 2,1 фоизидан 4,6 фоизга,



Хитойнинг инвестициялари эса 0,9 фоиздан 2,2 фоизга чиққан. Германияда бу кўрсаткич ЯИМнинг 3,2 фоизига тенг.

### «Наукометрия» фани предмети нима?

Савол туғилади: ҳар бир мамлакат, илмий муассаса, илмий ходимнинг илм яратишга қўшган ҳиссасини аниқлаш имкони борми? Бор, албатта, бунинг учун рақамларни ҳисоблаш усуллари ва уларни қандай ишлатишни билиш керак. Билми чукур иқтисодчи таҳлил қилинаётган ҳолат ёки жараёни аниқ тасвирлаш учун миқдор ва сифат, натурал ҳамда қиймат, абсолют ва нисбий кўрсаткичлардан мохирона фойдалана олади.

ши меҳнат умумдорлигини ошириш, аҳоли турмуш сифати ва даражасини кўтариш учун моделлар ва ишончли маълумотларга талаб ўсишига олиб келди. Сабаб оқибат алоқаларини, жорий этилаётган илмий сиёсат натижаларини таҳлил қилувчи фанлар "Илм ва технологияларни ўрганиш" (Science and Technology Studies) деган умумий номга бирлаштирилган. "Наукометрия" "STS" фанларидан бири бўлиб, унинг предмети олимлар мулоқотини кузатишдан олинган фактлардан иборат бўлади.

Қарорлар қабул қилиш ва оқилона натижага эришиш учун илмий жараён қатнашчиларини бошқариш ва уларнинг ҳаракатларини ташкил этиш илмий сиёсат доирасида амалга оширилади. Илмий сиёсат — бошқаришда мақсадларни ишлаб чиқиш ва ресурсларни тақсимлашга оид стейкхолдерларнинг турли манфаатларини инобатга олиш принциплари тизими, деб таърифланади.

### Шаффофлик — энг яхши натижаларга эришиш имконияти

Илмий сиёсатни ишлаб чиқишга ҳолисона ёндашиш сиёсатни амалга ошириш натижасида ижтимоий-иқтисодий тизим қандай ҳолатга келишини аниқлаши керак. Тадқиқотчилар, менежер-

“*Ҳар қандай мавзу бўйича мунозараларда ўзининг фикрини асослаш учун лириклар ҳам, физиклар ҳам рақамларга мурожаат этишга мажбур бўлади. "Рақамлар шундай ойнаки, у қийишқ башарангни бор бўйича акс эттирса чидай олмайсан", деган эди Оноре де Бальзак. Буюк физик олим лорд Кельвин "Нима ҳақида гапирётган бўлсангиз уни ўлчаб, рақамларда ифодалай олсангиз, сиз уни биласиз. Уни ўлчашни билмасангиз, сизнинг билимингиз етарли ва қониқарли эмас"* дейди.

Хар қандай мавзу бўйича мунозараларда ўзининг фикрини асослаш учун лириклар ҳам, физиклар ҳам рақамларга мурожаат этишга мажбур бўлади. "Рақамлар шундай ойнаки, у қийишқ башарангни бор бўйича акс эттирса чидай олмайсан", деган эди Оноре де Бальзак. Буюк физик олим лорд Кельвин "Нима ҳақида гапирётган бўлсангиз уни ўлчаб, рақамларда ифодалай олсангиз, сиз уни биласиз. Уни ўлчашни билмасангиз, сизнинг билимингиз етарли ва қониқарли эмас" дейди.

Илмий ўлчаш масалаларини ўрганиш, таҳлил этиш, муаммоларини аниқлаб, ечимларини ишлаб чиқиш "Наукометрия" фанининг предмети ҳисобланади. Профессор В. М. Налимов таърифида кўра "Наукометрия" илм ривожланишини ахборот жараёни сифатида ўрганишнинг миқдорий усуллариридир.

Илм соҳасида банд бўлганлар салмоғига нисбатан тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатларнинг кўпроқ ўсиб бори-

лар, олимлар ана шу тизимга мансуб бўлиб, қоидалар, концепциялар ҳамда ёндашувлар улларга очик ва шаффоф бўлиши лозим. Тадқиқотларни қўллаб қувватлаш илмий сиёсатни шакллантириш ва қўллашда очиклик, шаффофлик энг яхши натижаларга эришиш имконини беради.

Бундай илмий муҳит олимларни илм яратиш ўрнига мавҳум ифодаланган қоидалар ва субъектив қарорларни тушунишга вақт сарфлашдан озод қиладди. Ижодий ташкилотни авторитар бошқариш, шаффоф бўлмаган ва тушунарисиз илмий сиёсат олиб бориш энг махсуддор ва самарали олимларни йўқотиб қўйиш хавфини кучайтиради.

Тадқиқотларга қанча кўп ресурслар сарфланса, олинган натижалар асосида янги технологиялар ишлаб чиқиш ва жорий этиш иқтисодиётда шунча кўп фойда беришига ишонч илмий ходимлар сони ва илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш харажатларини кўпайтиришга ундайди.

### Иқтидорли тадқиқотчи олимлар ва менежерлар тайёрланади

Президентимизнинг 2020 йил 29 октябрдаги "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони янги илм, янги технология яратишга қодир иқтидорли тадқиқотчи олимлар ва менежерларни тайёрлашга қаратилган. Фармонда ушбу концепциянинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари тасдиқланган.

Улар илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган миллий рейтинг тизимини жорий этиш, илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни татиқ қилиш, 2025 йилга қадар илм-фанга йўналтириладиган жами маблағларнинг ялли ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса 10 бараварга оширишни назарда тутди.

Шунингдек, 2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан 20 фоизга, 2030 йилгача эса 30 фоизга етказиш, инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорийий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда келгуси йилда ўн та венчур жамгармани ташкил этиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га тушириш, шунингдек, 2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сониди юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушини 2 бараварга, 2030 йилгача эса 3 бараварга кўпайтириш кўзда тутилган.

Илмий тадқиқот ва ишланмалар соҳасидаги технологик инновацияларга харажатларнинг умумий ҳажмида ташкилотнинг ўз қисми билан баҳарган технологик инновацияларга харажатларнинг улушини 2030 йилгача 9 бараварга ошириш ҳам назарда тутилгани аниқ мурда бўлди. Зеро, буларнинг барчаси келгусида мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада ошириб, хомашё эмас, илм сиғими катта бўлган интеллектуал маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини беради.

Нуритдин ЙЎЛДШОВ, Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

## СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ ҚУТ-БАРАКА КАЛИТИ ТЕЖАМКОРЛИКДА

Дунёда рўй бераётган глобал исиш ва экологик беқарорлик оқибатида бугун Ўзбекистонда ҳам сувга бўлган мавжуд эҳтиёжнинг 75 — 80 фоизи таъминланяпти холос. Шу боис кам ресурс билан кўп ерни сугориш, обихаётнинг ҳар қатрасини олтин билиб, ундан янгида самарали фойдаланиш бугунги куннинг муҳим талабига айланиб улгурди.



Сув танқислиги ортиб бораётган бугунги шароитда мамлакатимизда мавжуд ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг негизини ташкил этади. Бу ҳақда 2023 йилнинг 29 ноябрда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида қатор кўрсатмалар берилган эди ва аниқ вазибалар Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ҳаётга кенг татбиқ қилинмоқда.

— Аниқ пайтда ҳудуддаги 221 насос станциясининг 41 таси давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритиб келмоқда, — дейди Қорақалпоғистон насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Кенес Саримаев. — Жорий йилда яна 6 та насос станциясини давлат шериклиги асосида хусусий секторга бериш назарда тутилган.

Бундан ташқари, илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га тушириш, шунингдек, 2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сониди юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушини 2 бараварга, 2030 йилгача эса 3 бараварга кўпайтириш кўзда тутилган.

Илмий тадқиқот ва ишланмалар соҳасидаги технологик инновацияларга харажатларнинг умумий ҳажмида ташкилотнинг ўз қисми билан баҳарган технологик инновацияларга харажатларнинг улушини 2030 йилгача 9 бараварга ошириш ҳам назарда тутилгани аниқ мурда бўлди. Зеро, буларнинг барчаси келгусида мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада ошириб, хомашё эмас, илм сиғими катта бўлган интеллектуал маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини беради.

Бу борада Қораўзак туманидаги "Мархаўзак" насос станциясида амалга оширилаётган ишларни намуна сифатида тилга олсак арзийди. У 602 гектар майдонни сув билан таъминлаб келяпти. Ушбу хўжаликда 6 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, жорий йилда янги насос двигател туфайли 37,3 минг киловатт-соат электр энергия тежаб қолинишига эришилди.

Қорақалпоғистон насос станциялари ва энергетика бошқармаси томонидан ҳудуднинг шимолӣ ва шимолӣ-ғарбидидаги 13 та туманининг 137,3 минг гектар майдонига сув етказилди. Барча насос станциялари ва улларда ўрнатилган 481 дона насос агрегати аниқ дамда ишлаб турибди. Ҳамма усуналар, трансформатор ва электр узатиш тармоқларини техник соҳ ҳолатда сақлаш борасида кенг қўламли ишлар бажарилди. Жумладан, насос станцияларида 115 дона насос агрегати тубдан таъмирланди. Замонавий энерготехамкор технологияларни жорий қилиш мақсадида 1 дона конденсатор қурилмаси, 3 дона қуёш батареяси, 613 метр узунликдаги турли қучланишли кабель,

лан таъминлаш, қўшимча рағбатлантириш имкониятини яратмоқда. Сув — ҳаёт манбаи. Унга йилнинг тўрт фаслида ҳам эҳтиёж сезилади. Оролбўйи минтақасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун нафақат вегетация даврида экинларни сугориш, балки кўз ва қиш ойларида шўр ювиш учун ҳам далаларга обихаёт етказиш лозим бўлади. Шу жиҳатдан ёз жазираси, қиш қархотинида насос агрегатларининг узлуксиз ишлаб туришида мутахассис ва ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Зеро, сув қанча тежаб ишлатилса, деҳқончу соҳибкорлар ҳосилига шунча барака қиради.

Ҳайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).



### Интилиш

Ишнинг кўзини билган киши уйда туриб ҳам даромад топа олади. Вобкент туманидаги "Латифсубунгар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Мухтор Шодиевнинг бунга ишончи комил.

## ҚУЛУПНАЙДАН 200 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

— Туман ҳокимлиги, маҳалламиз масъуллари қўллаб-қувватлаш ортидан томорқада гидропоника усулида қулупнай етиштиришни йўлга қўйдик, — дейди у. — Шу усулда экинни парваришлаш учун 200 миллион сўм сарфлаб махсус иссиқхона барпо этдик. Бу сарф-харажатиимиз бир, нари борса, бир ярим йилда ўзини оқлайди.

Бу оиланинг Жанубий Корея технологияси асосидаги

иссиқхонаси 5 сотихдан иборат. 10 минг туп қулупнай парвариш қилиняпти. Унинг салмоқли қисми кўчат сифатида сотиладди. Қолгани эса рисоладагидек парваришдан сўнг эртаги ҳосил беради. Тадбиркор шу йўсинда ишлаб 200 миллион сўм атрофида даромад олишни чамалаб турибди. Ихчам иссиқхона тўрт-беш кишининг бандлигини ҳам таъминлаган.

Томорқадан оқилона фойдаланиш борасидаги бу тажриба



Мухтор Шодиевнинг маҳалладошларини ҳам қизиқтириб қўйди. Шу йилнинг ўтган даврида 12 нафар фуқаро ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида банкдан имтиёзли кредит олиб, ҳовлисиди ихчам иссиқхоналар барпо этди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Туристтик поездлар қатнови йўлга қўйилади

МДХга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича кенгашининг 81-йиғилиши бўлиб ўтди.



Унинг доирасида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси З. Нарзуллаев ва "Қирғиз темир йўли" давлат корхонаси раҳбари А. Сакиев ўртасида юк ташиш ҳажмини ошириш ва тариф чегирмаларини қўллаш масалалари бўйича музокаралар олиб борилди.

Шунингдек, икки давлат ўртасида асосий юклар — кўмир, цемент ҳамда бошқа маҳсулотларни ташишда "Темирйўлкарго" АЖ юк-вагон паркларидан фойдаланиш ҳамда тарози ҳўжалиги объектларини таъмирлаш масалалари муҳокама этилди.

Мулоқотда томонлар ўртасида 2025 йил ёзида Тошкент — Балиқчи (Рибачье) йўналишида туристик поездлар қатновини йўлга қўйишга келишиб олинди. Ва мазкур йўналиш икки мамлакат ўртасида туризм алоқаларини ривожлантиришда муҳим қадам бўлиши қайд этилди.

Бепул чипталар кимларга берилади?

Хукуматнинг тегишли қарори билан Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестрига киритилган фуқароларга темир йўл транспортида ёки шаҳарлараро автобус учун бепул чипталар бериш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Унга кўра, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг ўз танловига кўра темир йўл ёки шаҳарлараро автобус учун бепул чипталар бир йилда бир марта берилади. Шунингдек, уларни кузатиб бораётган бир нафар шахс ҳам бориш ҳамда қайтиш учун бепул чипта олиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди.

«Ёшлар ва туризм» кўчасига марҳамат!

Худудларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шароитлар яратиш ҳамда туризмни ривожлантириш, жумладан, «Ёшлар ва туризм» кўчаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Мудофаа вазири Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти хабарига кўра, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги Гулистон маҳалласи ҳудудида «Ёшлар ва туризм» кўчаси фойдаланишга топширилди.

Мазкур кўчада 2 та министадион, 250 ўринли томошагоҳ, "Workout", баскетбол, волейбол ва ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларини ўтказиш учун мўлжалланган майдонлар ҳамда 50 ўринли амфитеатр барпо этилган.

Бундан ташқари, кўча бўйлаб 3,4 километр узунликда велойўлак, гулчилик ва қўчатчиликка ихтисослаштирилган иссиқхона ҳам барпо қилинди.

«Халқ сўзи».

БЕКАТЛАР «АҚЛЛИ», ЙЎЛОВЧИЛАР-ЧИ?

Фаргона вилояти ҳокимлиги томонидан бундан уч-тўрт йил олдин жамоат транспортидан фойдаланувчи йўловчилар учун хизмат кўрсатадиган автобекатлар фаолиятини бугунги талаблар асосида ташкил этиш мақсадида хайрли ташаббус илгари сурилган эди.

Эзгу ташаббус вилоят маркази — Фаргона шаҳрида кенг қулоч ёзиб, элликка яқин фойдаланилмай турган ёки қаровсиз қолган автобекатларда тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан энгил конструкцияли янги иншоотлар қад ростлади. Бу бекатлар ҳудуди ёш тадбиркорларга бепул берилиб, улар учун янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Ўз навбатида, ёш тадбиркор ушбу масқанда савдо ёки хизмат кўрсатиш шохобчаси билан бирга бепул интернет хизматини йўлга қўйиши, ёзда салқин, қишда иссиқ бўлиши учун кондиционер ўрнатиши зарур эди. Шунингдек, йўловчиларга кутиш хонаси ташкил этиши ва ўриндиқлар ўрнатиши кераклиги ҳам белгиланганди.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Афсуски, мазкур ташаббус доирасида иш бошлаган кўп дўконлар эгалари савдоси юрмагани учун фаолиятини тўтатди. Баъзи дўконлар ҳамон ижара асосида кўлдан-кўлга ўтиб келаётган бўлса, айримлари мавсумий фаолият кўрсатади, холос.

— Ҳозирги кунда ўттиздан кўпроқ «ақлли» бекатлар бир маромда ишламоқда, — дейди Фаргона шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ходими Нодирбек Мамажонов. — Йигирма-

тача бекатда бепул интернет хизмати ташкил этилган. Аммо бекатларда йўловчиларга қулайлик яратиш бўйича белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилмади.

Мавжуд вазиятни ўрганиш учун тадбиркорлар билан суҳбатлашди. Улар йўловчилар ўриндиқларини синдириб, бузиб кетаётганидан ёзғиришди. Табиийки, бугунги кунда рақобат шароитида шундоқ ҳам бизнес яхши юришиб кетмаётган тадбиркорлар бундай ортиқча харажатдан азият чекмоқда.

Тадбиркорлар жамоат транспорти қачон келиб-кейтишини кўрсатиб турувчи мониторлар ҳам ўрнашган эди. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ана шу мониторлар ўғирлаб кетилди. Фаргона шаҳри марказидаги Сайилгоҳ, Университет, Ал-Фарғоний кўчаларидаги «ақлли» бекатларда ўрнатилган мониторлар ўғирлангани бўйича тадбиркорлар ички ишлар органларига мурожаат қилишган. Аммо ҳозирча ўғирлар ушлангани ва жазолангани ҳақида аниқ маълумот йўқ.

— Кулишнинг, куйишнинг билмайси, — дейди Сайилгоҳ кўчасидаги ана шундай бекатлардан бирида фаолият кўрсатувчи тадбиркор. — Хар куни эрталаб йўловчилар учун ўриндиқлар ўрнатилган хонадан турли ёгуликлар, ширинликлар, писта пўчоқларини тозалайверлардан бирида фаолият кўрсатувчи тадбиркорларга расм чизиб, ўриндиқларни тепкилаб, бузиб кетишларини айтмасам ҳам бўлади. Баян шахримиз меҳмонлари ёки хорижлик сайёҳларнинг бу ҳолатга кўзи тушса, биз ҳақимизда, халқимизнинг турмуш маданияти ҳақида қандай халғга боришини йўлаб

ўз-ўзимдан хижолат чекаман. — Жамоат транспортидан тез-тез фойдаланаман, — дейди Фаргона шаҳрида истиқомат қилувчи Муқимжон Қодиров. — Аммо бундай бекатларда йўловчиларга яратилган шароит, тозалик талабга жавоб бермайди — хона қаровсиз, абгор ҳолатда. Алишер Навоий кўчасидаги ана шундай бекатларнинг баъзилари мавсумий ишлаб, музқаймоқ, бир зумда тайёр бўлувчи ёгуликлар сотади. Аммо эгалари алмашиб кетавергани боис кўпинча ёпик бўлади. Бу ерда нафақат йўловчиларга шартли яратиш бермаслик, балки тўлов терминаллари ҳамда онлайн назорат касса машиналаридан фойдаланмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради.

Фаргона шаҳар ободонлаштириш бошқармаси вилоят автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси билан бел-



гиланган меъёрлар асосида ижара шартномаси имзоланган. Лекин моддий манфаатдорлик эвазига тадбиркор томонидан бекатни учинчи шахсга фойдаланишга бериб юбориш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Албатта, бу ерда ким фаолият кўрсатишдан қатъи назар, энг муҳими, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш учун шароит яратилиши лозим. Лекин шаҳарнинг энг гавжум масканларида жойлашган ва йўловчиларга зарур шароитлар яратиш шарти билан тадбиркорга «ноль» қийматда ишониб топширилган масканлар фаолияти бугун қутилганидек эмас.

Фаргона вилояти ҳокимлиги ташаббусида, энг аввало, жамоат транспортининг оралиқ тўхташ бекатларида йўловчиларга замонавий шароитларни ҳозирлаш мақсад қилинган эди. Афсуски, амалда ундай бўлмади. Мақсад кимдир ёмонга чиқариш эмас, балки хайрли ташаббус ижроси тўлиқ таъминланиши ҳамда унинг ечимига яна бир бор масъуллар эътиборини қаратишдир. Бу эса уйдalasа бўладиган иш...

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

АТОҚЛИ ҚОРАҚАЛПОҚ ШОИРИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

Мамлакатимизда буюк ва шонли йўлни босиб ўтган аждодларимиз, айниқса, ўзининг бой ижодий мероси ва ҳаёти билан халқимиз қалбига жо бўлган зиёпарварлар хотирасига эътиром кўрсатиш, улар қолдирган хазинани ўрганиш ҳамда тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маданият

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 июлда қабул қилинган «Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қароридан ҳам ана шу эзгу мақсад йўлидаги муҳим вазифалар белгиланган.

Қайд этиш жоизки, унда қатор ташаббуслар билан бирга давлат буюртмаси

асосида шоир ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи «Ажиниёз» тарихий, бадиий-публицистик фильмини яратиш ҳам кўзда тутилган эди.

Шу муносабат билан «Қорақалпоқфильм» иходкорлари томонидан Ажиниёз Қўсибой ўғлининг ташаббуси билан ўтган тарихий манзил — Хива шаҳрида тасвирга олиш жараёни давом этмоқда. Маълумки, туркман шоири Махтумқули, қозоқ мутафаккири Бекет ота ва

бошқа улуғлар сингари Ажиниёз ҳам Ичан қалъадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олган.

— Таниқли адиб Муратбой Низанов сценарийи асосида тасвирга олинаётган ушбу фильмдаги шоир сиймоси истеъдодли актёрлар — Армон Бараков ва Кўпорсин Алланазаров томонидан гавдалантирилмоқда, — дейди фильм бош режиссёри Қудрат Отажонов. — Биз тасвир жараёнларини амалга ошираётган манзилдаги Шерғозихон мадрасаси,

жаме масжиди ва бошқа тарихий обидалар кўринишлари, ҳеч шубҳасиз, фильм мазмун-моҳиятини батафсил ва жозибдор тарзда очиб беришга хизмат қилади. Мазкур жараёнларда киноижодкорларга «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонаси, Хоразм вилояти кўғирчоқ театри, Ўзбекистон давлат хореография академияси Хоразм филиали жамоалари ҳам ақиндан кўмак бермоқда.

Отабек ИСМОИЛОВ, журналист.



ҚОНУН ВА МАСЪУЛИЯТ ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Ер, мулк, уй-жой билан боғлиқ муносабатлар асрлар оша қадриятимизга айланиб улгурган. 2024 йилнинг 5 август санасида давлатимиз раҳбари ватандошларимиз учун муҳим бўлган яна бир тарихий қонунни имзолади. Яъни бугун 8 ноябрдан қўчиллик юртдошларимиз кутган «Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киради.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ 2024-2025 йиллар учун тасдиқланган режа-жадвал асосида маҳаллаларда кадастр ходимлари томонидан хатлов ишлари бошланади.

Қонун кучга кириш санасида сизга мурожаат қилишимиздан мақсад «огоҳликка» қақаришдир!

Узоқ йиллар давомида ўзи яшаб келатган уйини расмийлаштириб олишни ният қилиб юрган ҳалол инсонлар кўп, аммо вазиятдан фойдаланиб, ноқонуний йўллар билан даромад олишни режалаб юрган «уддабуронлар» ҳам йўқ эмас. Сизларни бундай нопок кимсаларнинг ҳар қандай сўзлари ва ваъдаларига ишонмасликка қақирамиз!

Биринчидан, маҳаллалар аниқ тасдиқланган режа асосида хатловдан ўтказилади. Бири қолиб, иккинчисига ўтилмайди, яъни одамлар ибораси билан айтганда, «тезлаштириб беришнинг имкони йўқ!»

Иккинчидан, хатловдан кейин «ЕТИРОФ» дастурига киритилган ҳар бир ҳолат бўйича 15 дан ортиқ вазирлик ва идоралар ўз хулосаларини беради ҳамда космик суратлар ёрдамида таҳлил қилинади. Оддий

айтганда, «иложини қилиб ўтказиб бўлмайди!»

Учинчидан, хатлов жараёнида қонун билан аниқ белгиланган берилган 8 тоифага кирувчи ҳолатлар ўрганилади. Ҳозирда эгаллаб олиб, қурилиш қилиб, қонунийлаштириб олишни режа қилаётганлар жавобгарликка тортилади. Халқ тили билан айтганда, «таниш-билиш ўтмайди!»

Хурматли юртдошлар, ҳар қандай ҳолатда ҳам фирибгарлик, тамағирлик ёки коррупция ҳолатларига дуч келсангиз, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беринг!

Мазкур қонуннинг адолатли ва самарали ижро этилиши барчамизга бирдек боғлиқ эканини ёддан чиқармайлик.

Хурмат билан,

Кадастр агентлиги директори Фаррух ПҮЛАТОВ

Токиода ўтказилган фестивалда Ўзбекистоннинг бой маданияти ва сайёҳлик салоҳияти намоиш қилинди.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қопчилик 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов. Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.25 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6